

Баяндама тақырыбы:

*«Критериалды бағалаудың жаңа жүйесі – оқушының дамуы,
оның қызығушылығын арттыру және оқуға
ынталандырудың көрінісі»*

Маъруза:

*“Мезонли баҳолашнинг янги тизими – ўқувчининг
ривожланиши, унинг қизиқувчанлигини орттириши ва
таълим олишга интилишининг кўриниши”*



*№ 104 УЎББМ, ўзбек тили ва адабиёти
ўқитувчиси,
МБ раҳбари **Шамадиева Р.А.**
2021- 2022 ўқув йили*

*Она тилим онадай азиз,
Таълим олдим мана шу тилдан.
Ҳар бир сўзи шакардай лазиз,
Уни севдим жону дилимдан*


Ғ. Ғулом

Миллатнинг миллат эканини белгиловчи
бирламчи омил – унинг тили ва адабиётидир

А. Авлоний

*Башарият тарихида мактаб деган муҳташам муассасанинг ибтидоси ҳисобланмиш қадимги шумер мактабларида, яъни эрамиздан олдинги учинчи минг йилликларнинг бошида илк таълимнинг икки устунидан бири она тили дарслари бўлганлиги турли манбаларда қайд этилган. **Иккинчиси – математика бўлган дейилади.***

Демакки, камида беш минг йилдан бери она тили муайян бир тизимга солинган дарслар қаторида ўқитиб келинади. Аммо жадал ривожланиш ва тараққиёт янги ўқитиш усулларини излаб топишни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда, она тили таълими замон тақозосига мувофиқ ана шундай муттасил, мунтазам ривожланиб, такомиллашиб, макбуллашиб борадиган ўзига хос жараён дир.



Тил- инсон қиёфаси ва ички гўзаллигини намоён этадиган энг гўзал туйғудир. Ўз тилига меҳр – муҳаббатли инсон халқини, Ватанини, миллий қадриятларини, маданий меросини ҳам эъзозлайди.

Бежиз бундан беш аср илгари **Алишер Навоий**

“Тилга эътиборсиз- элга эътиборсиз” , дея ёзмаган.

Ўз она тилимизга бўлган муҳаббатни халқимизнинг, одамларнинг самимий суҳбатларида, юксак ахлоқий фазилатларида кўриб, беихтиёр шундай эл фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз.

Ўрта умумий таълимда она тили фанининг ўрни беқиёсдир. Алломаларимиз айтганидек, “Дунёдаги жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади”. Шундай экан, ўқувчиларни Мангу эл – она заминга меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари, энг аввало, она тилини ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Бу ҳол ёш авлодни камол топтиришда она тили ўқитувчисининг хизмати нақадар масъулиятли эканлигидан далолат беради.

Зеро, дарс муқаддасдир.

Она тили – миллий маънавият ва қадриятларнинг улкан хазинаси, миллат тафаккурини шакллантирувчи энг асосий воситалиги, мактаб она тили ўқув фанининг кенг қамровли таълимий – тарбиявий моҳиятга эга эканлиги шу соҳа мутахассислари ва мутасаддилари зиммасида улкан масъулият мавжудлигини кўрсатади.

Бу масъулиятли вазифани эски мазмун, эски усуллар ва воситалар билан амалга ошириш мутлақо мумкин эмас.

Энг муҳими, у янги кучларни, ҳам таълим олувчининг, ҳам таълим берувчининг таълимга тамоман янгича ёндашишини талаб этади. Бугунги кунда мактабларимиз замонавий ахборот- коммуникатив технологиялар билан таъминланган, моддий замин яратилган. Аммо бу мақсад, мазмун, усул ва воситаларни оммага етказувчи ўқитувчилар бу ишда фаол бунёдкор сифатида иштирок этмаса, ташаббусни ўз қўлига олмаса, берилган имкониятлардан самарали фойдаланмаса, жихозу, ускуналар, дастуру дарсликлар ҳеч нарса бермайди. Шунинг учун ҳам бугуннинг долзарб масаласи она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг фаоллигини оширишдир.

Замонавий таълимнинг талабларидан яна бири ўқувчиларга фақат билим бериш эмас, балки билим олишнинг йўллари ҳам ўргатишдан иборатдир. Таълимга бундай ёндашиш ўқувчини, дарсдан ва мактабдан кейинги фаолиятда ўз устида мустақил ишлаш, билим доирасини кенгайтириб бориш кўникмаларини ҳосил қилади.

Бугунги кунда янгиланган ўқув методик адабиётлар билан ишлаш йўллари янги тамойиллар асосида олиб борилиши давр талаби бўлиб, адабиёт дарсларида ўқитувчи эмас, кўпроқ ўқувчининг ишлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек тили фанини янгиланган

- ўзбек тилида тингдан, ўқиш, ёзиш ва сўзлаш –

нутқий коммуникатив
малакаларини шароитга

мос тўғри қўллай олишни
ўзбек тилини она тили
ўрганадилар,

сифатида ўзлаштирган
ўқувчилар олган
билимларини дунё

маданияти билан боғлай
ўзбек тилида берилган
оладилар,

турли дуч келган
ахборотларни ўринли
қўллай оладилар. Ўзига

керакли материалларни
ажрата оладилар;

рқали ўқувчилар:

Билим беришнинг ҳозирги замон талаби – ижодкор, рақобатбардош, баркамол шахс тарбиялаш. Қозоғистон мактабларида билим мазмунининг янгиланиши билан бирга баҳолаш тизимида ҳам ўзгариш юзага келди. Ҳозирги кунда янгиланган билим мазмунига кўчиш шароитида ўрта мактабларда асосий масалалардан бири – ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолашнинг самарадорлигини орттиришдир. Критериал (мезонли)баҳолаш - ўқувчининг ўқишдаги ютуқларини баҳолаш. Бу бугунги ўқитиш тизимида энг асосий талабларнинг бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Критериал баҳолаш тизими

Ўқитишни
тузатиш

Қайта
боғланиш

Ўқитиб
ўргатиш

1.
*Қолиплаштирувчи
баҳолаш*



**2. Жамловчи
баҳолаш.**

Маълумот
лар
тўплаш

Маълумотлар
ни танлаш

Якуний
фикр

баҳолаш

Мезонли баҳолаш вазифалари

- дарснинг ҳар бир қисмида ҳар бир ўқувчининг тайёргарлик даражасини аниқлаш

- дастурга мувофиқ ўқув мақсадларини бажариш қобилияти

- ўқувчи ривожланишининг муваффақиятини кузатиш

- талабанинг ўқув жараёнидаги хато ва бўшлиқларини аниқлаш

- ўқув дастурининг самарадорлигини фарқлаш

- ўқувчи ва ўқитувчи ҳамда ота – оналар ўртасида фикр – мулоҳазалар билдирилишини таъминлаш.

Ўқув ютуқларини баҳолаш усуллари

Қолиплаштирувчи (форматив) баҳолаш – бу ўқувчиларнинг янги маълумотни эгаллаш вақтида топшириқни бажариш, ўқув мақсадлари билан кутиладиган натижалар қанчалик тўғри эканлигини тушунишга имконият берадиган, кундаликдаги дарслар ва уйда ишлаш кўникмалари ҳамда билимларининг эгаллаш даражасини аниқлайдиган, ўқув давомидаги ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги тезкор алоқани юзага оширадиган баҳолаш.

Жамловчи (сумматив) баҳолаш – ўқувчиларнинг чоракдаги ўқув дастурининг бўлимларини ўрганиш бўйича ва билимларини ўзлаштириш босқичини тугатиш вақтидаги билимларни эгаллаш ва кўникмаларининг шаклланиш савиясини аниқлайдиган баҳолаш.

Маърузамни мухтасар қилган ҳолда, мен ўзбек тили ва адабиёти устози сифатида шундай Ватанда яшаётганим билан фахрланаман. Биз - қозоғистонлик ўзбеклармиз, Элбошимизнинг доно сиёсати туфайли бошқа эллар қатори биз ҳам ўз она тилимизда сўзлаш, ўзаро фикр алмашиш, билим олиш ва билим бериш ҳуқуқига эгамиз. 5- 11 – синфлар учун янгиланган таълим бўйича дарсликлар қўлимизга етиб келган. Шу йўналиш бўйича курслар уюштирилган. Ҳатто, ўзбекзабон ўқувчилар учун билим даргоҳи - ўзбек тили ўқитувчиларини тайёрлайдиган Олий ўқув юрти очилганидан ҳам хабарингиз бор. Бу ҳам халқимиз учун жуда қувонарли ҳол бўлди, албатта. Дўстлигимиз бардавом бўлсин, дея фикримни қуйидаги шеър билан яқунламоқчиман:

*Илдизи бир аслин олса, биз етилган дарахтнинг,
Дўстлигимиз қўрғаб турсин, Оллоҳ берган бу бахтни,
Қалбимизда куртак отса, эзгуликнинг камоли,
Ишонч комил, кўз – кўз бўлгай, юртимизнинг жамоли.*

*Эътиборингиз учун
ташаккур!*